

## АМИР ТЕМУРНИНГ ҲАРБИЙ ИСТЕДОДИ ВА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ

*Маткаримов Азизбек Латипбоевич*

*подполковник, Ўзбекистон Қуролли Кучлари Академияси*

*1 – босқич тингловчиси*

**Аннотация:** Жаҳон ҳарбий санъати ривожига Амир Темури салмоқли ҳисса қўшган бу мутахассислар, саркардалар томонидан ҳақли равишда эътироф этилган. Буюк лашкарбоши ва ҳарбий ташкилотчи ҳисобланган Амир Темури интизомли армия тузишга, жанг пайтида қўшин қисмларини оқилона бошқаришга, жанг тақдирини ҳал қиладиган жойларга кучларни тезкорлик билан йўллашга, мавжуд бўлган тўсиқ ва юзага келган муаммоларни тадбиркорлик билан бартараф этишга, қўшиндаги жанговар руҳни юксак даражада ушлаб туришга эришган.

**Калит сўзлар:** қўшин, лашкарбоши, саркарда, тарихий муносабатлар, халқаро муносабатлар, жанг, муҳораба.

**Annotation:** these specialists, who made a significant contribution to the development of World Military Art by Amir Temur, are rightfully recognized by the commanders. Considered a great warlord and military organizer, Amir Temur managed to form a disciplined army, wisely lead army units during the battle, quickly send forces to places that would decide the fate of the battle, entrepreneurial elimination of existing obstacles and problems, high retention of the fighting spirit in the army.

**Keywords:** Army, captain, historical relations, international relations, battle, muhoraba.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач тарих соҳасини ривожлантиришга катта эътибор қаратилди. Ўзбек халқининг ҳаққоний тарихини ёритиш ва ўзбек давлатчилиги тарихини ўрганиш учун ҳукумат томонидан бир қатор ишлар амалга оширилди. Президентимиз Ш. Мирзиёевнинг 2023 йил 8 апрелда бир гуруҳ тарихчи олимлар ва ижодкор зиёлилар билан учрашуви, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йилдаги “Ўзбекистон тарихини яратиш ва нашр қилиш тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар Академиясини фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги ҳамда “Ҳарбий тарих ва илмий тадқиқотлар институтини” ташкил этиш тўғрисидаги қарорлари, “Ўзбек халқи давлатчилиги тарихи” концепцияси юртимизда ҳарбий тарихни ўрганиш зарур бўлган илмий-тадқиқот ва илмий-педагогик ишларга дастуруламал ва бажариладиган амалларимиз дастури бўлди.

Совет даврида нотўғри талқин қилинган тарихий мавзуларни атрофлича ўрганиб, уларни ҳаққоний ёритишга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан буюк

аждодимиз Соҳибқирон Амир Темур шахси ва унинг давлатчилик тарихи масалаларига ҳам эътибор қаратилиб, атрофлича ўрганилди. Соҳибқирон таваллудининг 687 йиллиги муносабати билан юртимизда бир қатор эзгу ишлар амалга оширилди.

Жумладан, 1996 йил “Амир Темур йили” деб аталди, Самарқанд, Тошкент ва Шаҳрисабз шаҳарларида буюк аждодимизнинг улуғвор ҳайкаллар қад ростлади, улуғ бобомиз шарафига орден таъсис этилди, 1996-йил 18-октябрда Тошкентда “Темурийлар тарихи давлат музейи” барпо этилди. Амир Темурнинг дунё цивилизацияси ривожига кўшган ҳиссаси, тарихдаги буюк хизматлари ЮНЕСКО томонидан эътироф этилиб, унинг 660 йиллик юбилеи Парижда бутун жаҳон миқёсида кенг нишонланди [1].

Амир Темур библиографияси тузиш ишларига ҳам катта эътибор қаратилди. Бинобарин, 1995 йил Р. Алимов томонидан “Соҳибқирон Амир Темур” методик тавсияномаси, 2002 йил профессор Р. Самаров ва М. Мажидовлар томонидан “Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳарбий санъати” номли асари нашр этилди. Ҳарбий, сиёсий ва давлатчилик масалаларига бағишланган кўплаб адабиётлар нашр этилди. Булардан ташқари буюк жаҳонгирнинг ҳаёти ва фаолиятига оид бўлган жуда кўплаб манбалар ўрганилиб таржима қилинди [2].

Соҳибқироннинг йирик салтанат бунёд этиш йўлида олиб борган сай-ҳаракатлари, мамлакат ободончилиги йўлида қилган бунёдкорлик ишлари, сиёсий тадбирлари, кўшин ва ҳарбий соҳада олиб борган жангавор усуллари тарихчи, сиёсатчи ва ҳарбий соҳа вакилларининг диққат этиборини ўзига тортиб келмоқда [3].

Хусусан, ҳозирги кунда Амир Темурнинг ҳарбий истедоди ва жангларда қўллаган тактикалари борасида чуқур изланишлар олиб борилмоқда. Совет Иттифоқи даврида Амир Темурнинг фаолиятига фақат ва фақат қора лой чаплаш билан чекланилди. Буюк Соҳибқиронни қароқчи, босқинчи, золим, қонхўр, жаллод каби номлар билан аташди. Рус ва совет муаллифлари Амир Темурни фақат бойлик орттириш учун босқинчилик ва қирғинбарот урушлари олиб борган деб баралла айтиб келишди.

Ўша даврдаги халқаро ҳарбий-сиёсий вазиятдан келиб чиқиб Амир Темурнинг сиёсий майдонда ёрқин юлдуз сифатида порлаши табиий эди. Темур даври манбаларининг энг ишончлиларидан бири ҳисобланган Шарафуддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асарида шундай дейилади, *“Темурнинг олиб борган урушлари асосан турли вақтларда орттирган душманларидан ўч олиш, ёки аҳолига зулм ўтказаяётган ҳокимларнинг бош-бошдоқликларига барҳам бэриш, ёхуд шаръий фарз деб ҳисобланган диний душманлар билан олиб борилган газавот урушлари эди”* [4].

Ҳақиқатдан ҳам Амир Темур ислом аҳкомларига амал қилиб, ислом душманларига қарши курашгани бор гап. Аммо “Усмонийлар империясига қарши қилинган юрушчи” деган савол туғулиши табиий. Темур турк султони Боязид Йилдирим билан қанчалик тил топишишга интилмасин Турк султони Темур билан келишишни истамади. Соҳибқирон Боязидга йўллаган ўзининг илк мактубида султон ҳузуридан паноҳ топган қароқчилик, босқинчилик ва талончилик билан ном чиқарган Қора Юсуф ва Аҳмад Жалойирни ўз ҳузуридан кетказиб юборишни сўрайди [5].

Ҳаттоки улар ҳажга кетаётган зиёратчиларни ҳам талашарди. Соҳибқирон Боязидга кофирлар билан жанг олиб бораётганлигига ҳайрихоҳлигини билдириб, султон билан жанг қилиш нияти йўқлигини, икки мусулмон подшоҳининг бир-бирлари билан жанг қилиши яхши эмаслигини, уруш орқали кофирларнинг хурсанд бўлишини такидлайди [6].

Лекин Боязид қайсарлик ва манманлик билан ўзини Амир Темурдан устун билиб уни ҳақоратомус мактублари билан камситади. Темурга қарши бўлганлар ҳаракатига ҳайрихоҳлик билдириб уларни қўллаб қувватлайди. Натижада 1402-йилнинг ёзида Анқарада икки ўртада шиддатли жанг бўлиб султон Боязид енгилади. Асир тушган султонга Темур юксак ҳурмат эътибор кўрсатади. Султон Боязид 1403-йил 9-март куни вафот этади. Боязид вафот этгач Амир Темур унинг ўғилларини отасининг юртларига ҳукмдор қилиб тайинлайди. Бундан кўришиб турибдики Темурнинг Усмонлилар империясини эгаллаб олиш нияти бўлмаганлигини балки жаҳонда икки буюк мусулмон давлати бўлиши истаги борлигидан далолат беради [7].

Амир Темурдан юксак ҳурмат эҳтиром, кўмак олишига қарамасдан Тўхтамишхонга қарши қилинган юришларда унинг хоинлиги ва очкўзлиги сабаб дейишимиз мумкин. Амир Темур Тўхтамишхонга юксак ҳурмат эҳтиром ва жуда катта ёрдам кўрсатади. Ҳаттоки Олтин Ўрда ҳокимиятини эгаллашда ҳам ёрдам беради. Тўхтамишхон 1385-йилда Табризга бостириб келиб, шаҳарни вайрон қилади [8].

Шундан сўнг бутун Ерон эгалланиб, Олтин Ўрдага қўшиб олиши хавфи туғилади. Ҳудди шу омил туфайли Амир Темур Тўхтамишдан аввал Еронни ўз мулкига қўшиб олишга қарор қилади. Еронни забт етганидан сўнг умуман Хулоку мулкани тамоман забт етиш гоёси туғилади. Ҳақиқатдан ҳам Хулоку мулкнинг асосий қисми бўлмиш Ерон ва у мулкнинг иккала пойтахти Табриз ва Султония забт этилганидан сўнг бу мулкнинг парчалари бўлмиш Ироқ, Сурия ва Шарқий Анатолияни қўшиб олмай иложи йўқ эди. Чунки бу йерларнинг ҳокимлари Темурнинг душманларига паноҳ бериб, йерлари Амирга нисбатан иғво ва ҳужум маконига айланган эди [9].

1387-1388 йилларда Тўхтамиш, Амир Темурнинг Мовароуннахрда йўқлигидан фойдаланиб, Хоразмга ҳужум қилади ва Хоразм ҳокими бўлган Сулаймон Сўфини Амир Темурга қарши қўзғолон кўтаришга ундади. Сулаймон Сўфи бунга рози бўлади. Бу воқеалар Амир Темурни 1388 йили Хоразмга яна юришга мажбур қилади. Темур Урганчни ишғол қилди ва суфийлар сулоласини тугатади [10].

Темур ҳарбий юришларининг яна бир сабаби бор эди. Бу ҳам бўлса, Буюк Ипак йўлини бир мамлакатга бирлаштириб, ундаги хавфсизликни таъминлаш эди. Шарафуддин Али Яздий бир неча марта Мўғулистон, Ерон ва Ироқда маҳаллий ҳокимларнинг зўравонлиги ёки қароқчилар кўпайганлиги сабабли қарвонлар ва ҳатто элчилар юролмайд қолганликлари ва ҳажга ҳам бориш хавфи бўлиб қолганлигини ўз асариди айтади. Амир Темур ўз даврининг фарзанди ва енг йирик лашкарбошиси эди. Унинг даври еса ниҳоятда мураккаб эди. XIV аср ўртасига келиб мўғулларнинг уччала ғарбий улуслари – Олтин Ўрда, Чикатой улуси, Хулоку давлати ҳарбий ва сиёсий инқирозга учраб, танг ахволга келиб қолган эди [11].

Вазият тарқоқ ҳудудларни ягона ҳокимият остида бирлаштиришни талаб қиларди. Амир Темур эса бундай вазиятдан усталик билан фойдаланди. Ундан ташқари 1368 йили Хитойда мўғул ҳукмига барҳам берилиб, ҳокимият тепасига хитойларнинг Мин сулоласи келиши ғарбий мўғул улусларига ҳам хавф туғдирган эди. Чунки хитойлар дарҳол Мўғулистонни ўзларига тобе эттириб, ўзларини Чингизхоннинг вориси деб эълон қилдилар, ва бундан кейин Хитой императорлари ғарбий улуслар ҳам уларга бўйсунганини талаб қилишлари табиий эди. Шунинг учун ҳам Темур ва Тўхтамишхон каби икки йирик шахснинг саҳнага чиқиши тасодиф эмас эди. Аввалига Темур ёрдами ва ҳомийлигида Олтин Ўрда ҳокимиятини эгаллаган Тўхтамишхон хоинлик йўлига ўтади. Темур унга қарши 1388, 1391 ва 1395-йилларда юриш қилади ва уни тор-мор қилиб Тўхтамиш томонидан келадиган хавфни бартараф этади [12].

Амир Темур 35 йил давомида ҳарбий ва сиёсий фаолият олиб борди. Бу 35 йиллик фаолият натижасида у буюк салтанат барпо қилишга эришди. Унинг таркибига Мовароуннахр, Хоразм, Каспий атрофидаги вилоятлар, ҳозирги Афғонистон, Ерон, Туркия, Ҳиндистон, Ироқ, Жанубий Россия, Кавказ ва Ғарбий Осиёнинг бир қатор мамлакатлари жами 27 та ўлка киради [13].

Амир Темурнинг муваффақиятига аввало шахсий характери, мураккаб вазиятларга тўғри баҳо бера олган ҳолда ушбу вазиятдан чиқа олиш қобилияти ва унинг нодир ҳарбий истеъдоди сабаб бўлди. Амир Темурнинг юритган ҳарбий, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий тадбирлари ҳозирги замон давлат бошқаруви учун чинакам ибратдир.

*Хулоса қилиб айтадиган бўлсак*, Соҳибқирон Амир Темур бобомиз чинакам бунёдкорлик ва илм фан хомийси эди. Хусусан у “Темур тузуклари“ да ўзи амалга оширган ва амалда қўллаган тадбир ва услубларни, қурултой, кенгашлар, машфирадлар ҳақида баён қилади. Бу жиҳат билан “Темур тузуклари” бошқа қадимги ва замонавий файласуф, саркардалар ҳамда олимларнинг давлат бошқаруви, ҳарбий назария ҳақида ёзиб қолдирган китоб ва назарияларидан устундир.

### Фойдаланилган адабиётлар руйҳати

1. Муҳаммад Али «Амир Темур солномаси». Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, Тошкент – 2008.
2. «Амир Темур ва Улуғбек замондошлари хотирасида» - Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиги Бўрибой Аҳмедовнинг илмий таҳрири остида. Тошкент, «Ўқитувчи» 1996.
3. Турғун Файзиев, «Темурийлар шажараси». «Ёзувчи», «Хазина» нашриёти. 1995 йил.
4. Низомиддин Шомий, «Зафарнома». «Ўзбекистон» нашриёти, 1996 йил.
5. Абдулаҳад Муҳаммаджонов, «Темур ва Темурийлар салтанати». Қомуслар Бош таҳририяти, Тошкент. 1994 йил.
6. Эркин Азимов, «Амир Темур салтанати». Тошкент, Гофур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1996 йил.
7. Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Арабшоҳ, «Темур ҳақидаги хабарларда тақдир ажойиботлари».
8. Хельда Хукхэм, «Етти иқлим султони». «Адолат» нашриёти, 1999 й.
9. Салоҳиддин Тошкандий «Темурнома». Тошкент, «Чўлпон» нашриёти. 1991 йил.
10. Абдул Азим Зиёуддин, «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ва аҳли байт». Тошкент, 2014. «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси.
11. Омонулла Бўриев, «Амир Темур аждодлари». Қомуслар Бош таҳририяти, Тошкент. 1992 йил.
12. Ашраф Аҳмад, «Улуғбек Муҳаммад Тарағай». Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1994 йил.
13. Амриддин Бердимуродов, «Гўри Амир мақбараси». Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. Тошкент, 1996 йил.